

MODERN TYPES OF EMPLOYMENT DEVELOPMENT

Kupaisinova Laziza Karimovna,

Tashkent Senior Lecturer, Institute of Architecture and Construction

Dusmurotova Umida, 1st year master of SamSU

ABSTRACT

This article examines modern forms of employment, in particular, rational and efficient employment, innovative and self-employment.


Key words: job security, employment, rational employment, effective employment, innovative employment, self-employment.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида республикамизда юзага келган демографик, ижтимоий-иқтисодий вазият ва иқтисодиёт тармоқларидағи таркибий ўзгаришлар, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да батафсил акс эттирилган. Мазкур устувор йўналишлар амалга оширишда аҳолини иш билан таъминлаш ҳам хал қилувчи воситалардан бири ҳисобланади.

Аҳолини иш билан бандлигининг замонавий турлари, объектив шарт-шароитларини ўрганиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Аҳоли иш билан бандлигининг оқилона, самарали инновацион ва ўзини-ўзи банд қилиш каби замонавий турлари мавжуд (1-расм).

Аҳолининг иш билан оқилона бандлиги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мосликга эришишни англаради.

Меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан оқилона бандлигини шаклланиши фақат меҳнат бозорини самарали ривожланиши ва иқтисодиётни барча секторларида таркибий ислоҳотлар ўтказилиши асосида амалга оширилиши мумкин. Булар қишлоқ хўжалигидан ортиқча ишчи кучининг оммавий озод бўлиши ва уларни саноат, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларига ва шахсий меҳнат фаолияти соҳаларига ҳамда шахар халқ хўжалигига оқиб ўтиши, ходимлар захираларининг шаклланиши ва уларни бозор механизмлари асосида сафарбар қилиниши ҳамда қайта тақсимланиши жараёнини белгилаб беради.



1-расм. Аҳоли иш билан бандлигининг замонавий турлари*.

* Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Самарали иш билан бандлик жамият ривожининг муайён босқичида аҳоли турмуш тарзининг мезонлари тақозо этадиган ходимларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларини тиклаб боришга қодирлигини назарда тутади. Иш билан бандликни самарали тусда бўлиши даромад келтирадиган ижтимоий фойдали фаолият билан банд бўлишни, ишчи кучини тўлиқ иш вақтида фаолият кўрсатишини ҳамда иш ўринларининг ижтимоий-иктисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ва самарадорлик даражаси юқори бўлишини, шунингдек, замонавий технология ва техникалар билан жихозланган иш жойларида иш билан таъминланиши назарда тутади.

Инновацион иш билан бандлик. Ҳозирги замонда ахборот-коммуникацион технологияларнинг кириб бормаган соҳаси қолмади. Мазкур юқори технологияларнинг ривожланиши мамлакатимизда ҳам ахборот-коммуникацион технология (АКТ)лар ва дастурий ишланмалар ишлаб чиқиш билан боғлиқ кўплаб иш ўринларининг пайдо бўлишига, уларнинг асосида агробизнеснинг замонавий турлари: агротехнология; биотехнология; нанотехнология каби соҳаларнинг шаклланиши ва мазкур соҳаларда иш билан бандлик даражасининг ошишига олиб келмоқда.

Мазкур бандликнинг ўзига хос жиҳатлари ходимлар даромадининг ўсишини, меҳнат унумдорлигининг ошишини, мамлакатлар ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)да интеллектуал маҳсулотлар улушкининг қўпайишини белгилаб берувчи миқдорий кўрсаткичларда намоён бўлади.

Ўзини ўзи банд қилиш. Мазкур гурӯҳга иш берувчилар ва ўзини ўзи банд қилувчиларни киритиш мумкин. Бозор иқтисодиёти ривожланган маалакатларда ўзини ўзи банд қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу иш билан бандлик шаклининг хусусияти меҳнатнинг ходимнинг ўзининг ташаббусига кўра сарфланишини назарда тутади. Аҳолини иш билан бандлигининг замонавий турларини ривожлантириш ҳамда уларни мажмуавий ўрганиш учун қуидаги ахборот базасига эга бўлиш мақсадга мувофиқ.

1. Аҳолининг таркиби, тузилиши, иқтисодий фаол ва фаол бўлмаган аҳолининг динамикаси.
2. Аҳоли бандлигининг динамикаси, мулк шаклига, иқтисодиёт тармоқларига, касб-малакасига кўра бандликнинг тузилиши.
3. Жойлардаги ишсизликнинг тавсифи. Бунда ишсизлик турлари, келиб чиқиш сабаблари, бартараф этиш имкониятлари таҳлили муҳим ҳисобланади.
4. Ишчи кучи оқимиининг йўналишлари ва иш вақтидан фойдаланиш даражаси кўрсаткичлари. Булар кўп жиҳатдан микродаражадаги таҳлилни тақозо этади.
5. Ишчи кучи харажатларининг таркиби ва динамикаси. Мазкур кўрсаткичларнинг аниқланиши ва таҳлили қишлоқ ишчи кучи қиймати ва баҳосига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганишга имконини беради.
6. Аҳолини иш билан таъминлаш кўрсаткичлари ва бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи жамланган кўрсаткичлар динамикаси. Бу аҳолини иш билан таъминлаш фаолиятига тўғридан тўғри институционал воситалар орқали таъсир кўрсатишнинг самарадорлигини баҳолаш учун зарурдир.

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON
HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES**

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 30.12.2020.<https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>
2. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У. ва бошқ. Мехнат бозорининг самарали ривожланиш истиқболлари (монография). - Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2017, -130 бет